

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 22 » ИЮЛЬ 2019 у.

№ 611

Toshkent sh.

**2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозгон шаҳрини
комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Замонавий пардозбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, худудда мавжуд табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан тўла-тўқис фойдаланиш асосида саноат, хизмат кўрсатиш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳолининг бандлиги ва даромадларини ошириш йўли билан Навоий вилояти Ғозгон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини комплекс ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган 2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозгон шаҳрини комплекс ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) маъқуллансин.

Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ғозгон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш даражаси ва фаровонлигини ошириш;

Ғозгон шаҳрини мрамар ва гранит тошлари қазиб олиш ва ишлов беришга ихтисослашган саноат шахрига айлантириш мақсадида мавжуд фойдали қазилмалар – мрамар, гранит конларини ўзлаштириш натижасида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш;

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ҳамда мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан янги замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш;

хунармандчилик, шу жумладан худуд учун хос бўлган халқ амалий санъатини ривожлантириш;

тижорат банклари томонидан молиявий кўллаб-қувватлаш ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш ҳамда бошқа ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш даражасини яхшилаш.

2. Қуйидагилар:

Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини молиялаштириш манбалари 1-иловага мувофиқ;

Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрида 2019-2020 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тузилмаларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш чора-тадбирлари 3-иловага мувофиқ;

Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларнинг меъморий қиёфасини ўзгартириш, замонавий объектлар қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ;

Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрида 2019-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар 5-иловага мувофиқ;

Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳри ҳудудида замонавий пардозбоп қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ва саноатнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш ҳисобига 2019-2021 йилларда амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда Ғозғон шаҳри бош режаси асосида ичимлик суви, оқова суви, автомобиль йўллари, электр ва газ тармоқларини 2019-2020 йилларда қуриш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳар йили асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури параметрларини шакллантиришда ушбу қарорда назарда тутилган бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни инобатга олсин.

5. Навоий вилояти ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда тижорат банклари билан келишган ҳолда лойиҳаларнинг қиймати ва иш ўринлари сонини сақлаб қолиш шарти билан Дастурда белгиланган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига заруратга кўра ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Давлат геология ва минерал

ресурслар қўмитаси Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Ғозғон шаҳрида:

мавжуд норуда фойдали қазилмали конларни ўзлаштириш учун салоҳиятли инвесторларни, биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестицияларни жалб қилган ҳолда қазиб олиш ва қайта ишлашни ташкиллаштирсин;

мармар ва гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган ташкилотлардан иборат кластерни барпо этиш ҳамда мармар ва гранит тошларини чуқур қайта ишлаш орқали жаҳон стандартларига мос экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Ғозғон шаҳри худуди атрофида жойлашган мармар ва гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия шартларининг бажарилиши, техник меъёрлар ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши ҳамда солиқ тўловлари тўланиши ҳолатини икки ой муддатда хатловдан ўтказсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги табиий қазилма бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ҳамда мармар ва гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлаш фаолиятдан тушадиган солиқ тушумларини, шунингдек, республиканинг йирик савдо мажмуаларида гранит ва мармар тошлари савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тизимли назоратга олсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Навоий вилояти ҳокимлиги 2019 йил 1 октябрга қадар Ғозғон шаҳрининг инвестицион жозибадорлиги, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий инвесторлар учун таклиф этилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақидаги инглиз ва рус тилларида видео-тақдимот материалларини тайёрлашни, “Инвестиция портали” ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштиришни, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига юборилишини ва улар орқали кенг ёритишни таъминласин.

10. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (кейинги ўринларда Ўзмиллийбанк деб аталади) Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиб Ғозғон шаҳри худудида 2019-2020 йилларда умумий қиймати 200,0 млн АҚШ доллари бўлган мармар ва гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда, Ўзмиллийбанк кредитларини:

замонавий асбоб-ускуналар, техника, технологиялар, транспорт воситалари, қурилиш материаллари сотиб олиш ҳамда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун лойиҳа қийматининг 70 фоизидан ошмаган миқдорда;

муддати 7 йилгача бўлган фоиз ставкаси миллий валютадаги кредитлар учун – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар учун – халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан жалб қилинган шартлар ҳамда Ўзмиллийбанкнинг 0,5 фоизга тенг маржаси қўшилган миқдорда ажратиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси мрамар ва гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу йўналишдаги лойиҳаларга устувор равишда амалий ёрдам бериши белгилансин.

11. Ўзмиллийбанк ёки унинг инвестиция компанияси томонидан мрамар ва гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида инвесторларни жалб қилиш ҳуқуқи билан ташкилотлар ташкил этилиши белгилансин.

Бунда, Ўзмиллийбанк ёки унинг инвестиция компаниясининг ушбу ташкилотлар устав жамғармасидаги улуши кейинчалик жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ёки янги инвесторларга 7 йил муддатгача бўлиб-бўлиб тўлаш ва тўловларнинг қолдиғига фоиз ҳисобламаслик шарти билан сотилишига рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзмиллийбанк ва унинг инвестиция компанияларига бошқа тадбиркорлик субъектлари устав фондида иштирок этиш юзасидан қўйилган чекловлар қўлланилмайди.

12. Мрамар ва гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январга қадар:

қурилиш-монтаж ишларини белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда параллель равишда лойиҳалаштириш ва молиялаштириш;

тендер (конкурс) савдолари ўтказмаган ҳолда энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида пудрат ташкилотларини, асбоб-ускуналар, техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, хом-ашё, материаллар ва бошқа товарлар (хизматлар, ишлар) етказиб берувчиларни танлаш ҳуқуқи берилсин.

13. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда республика ҳудудида мрамар ва гранит тошларни қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган янги ва модернизация қилинадиган ташкилотлар томонидан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, техника, транспорт воситалари, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган зарур хом-ашё ва материалларни 2021 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан озод қилиш (божхона расмийлаштируви учун тўловлардан ташқари) ҳамда лойиҳа

ташаббускорлари таклифлари асосида импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни божхона тўловидан озод этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ республикамиз ташқарисида ва ҳудудида қурилиши ва таъмирланиши лойиҳалаштирилаётган инфратузилма объектларида, жумладан метро, магистраль ва ички автомобиль йўлларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг табиий мармар ва гранит тош маҳсулотларидан фойдаланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда Ғозғон шаҳри ҳудудида жойлашган Саноат кончилик касб-хунар коллежи негизида юқори малакали кон иши ва мармар ва гранитни саноат усулида қайта ишлаш, замонавий технологияларни ишлатиш таълим йўналишларида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

16. Навоий вилояти ҳокимлиги Республика “Хунарманд” уюшмаси билан биргаликда Ғозғон шаҳрида 2020 йилнинг I чорагида мармар тошлардан ясалган буюмлар ва бошқа хунармандчилик маҳсулотлари учун расталар қуриш ҳамда халқ амалий санъати ижоди кўрғазмаларини ўтказиш мақсадида махсус жой ажратган ҳолда хунармандчиликни ривожлантириш марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

17. Навоий вилояти ҳокимлиги ҳар чоракда:

халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг мажлисларида Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ишларнинг натижадорлигини кўриб чиқсин;

Дастурнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Навоий вилояти ҳокими Қ.Б. Турсунов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини
МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**

Т/р	Молиялаштириш манбалари	Талаб этиладиган маблағ		Саноат соҳасини ривожлантириш	Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, электр энергия, табiiй газ, ичимлик суви ҳамда алоқа тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, худудларнинг архитектура кифасини ўзгартириш, замонавий объектлар қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш	Кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш
		(млн.сўм)	(минг доллар)				
	Жами	218 299	55 100	186 100	61 615	23 714	1 970
1	Республика бюджети маблағлари	22 214			7 500	14 714	
2	Маҳаллий бюджет ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари	8 296			8 296		
3	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари	11 200			11 200		
4	"Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари	119			119		
5	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	27 000			27 000		
6	Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси	5 000				5 000	
7	Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси	4 000				4 000	
8	"Навоий кон металлургия комбинати" ДК маблағлари	1 200					1 200
9	"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси маблағлари	лойиха-смета ҳужжатларига асосан					
10	Лойиха ташаббускорлари маблағлари	122 500		115 000	7 500		
11	Тижорат банклари кредитлари	16 770		16 000			770
12	Хорижий кредитлар (минг доллар)		42 800	42 800			
13	Хорижий инвестиция (минг доллар)		12 300	12 300			

**Навоний вилоятининг Ғозгон шаҳрида 2019-2020 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙҲАТИ**

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг номи	Йиллик қуввати		Лойиҳа қиймати (млн.сўм)	шу жумладан:				Фойдаланишга топшириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк	Янги иш ўрни
			ўлчов бирлиги	миқдори (натурада)		ўз маблағи	банк кредити	Хорижий кредит (минг доллар)	Хорижий инвестиция (минг доллар)			
Жами			х	х	604 860	115 000	16 000	42 800	12 300	х	х	635
1	"Мармаробод" МЧЖ	Тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш	м3	500 000	428 000	84 000		40 000		01.12.2020	ТИФ "Миллий банк"	150
2	"Gazgan Stone Invest" МЧЖ	Тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш	м3	50 000	10 000	10 000				01.12.2019	ТИФ "Миллий банк"	200
3	"Navoi procces stone company" МЧЖ ХК	Мармар тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш	м3	4 150	105 780				12 300	01.09.2020	АТБ "Агро банк"	220
4	"Gazgan stone" МЧЖ	Мармар ва гранит харсанглари қазиб олиш	м3	750	3 000	3 000				01.09.2019	ТИФ "Миллий банк"	15
5	"Mozaic stone production" МЧЖ ҚК	Табий тошдан майолика ва мозаика плиталарини ишлаб чиқариш	м2	48 000	58 080	18 000	16 000	2 800		01.12.2020	ТИФ "Миллий банк"	50

Изоҳ. Ташаббускорлар ҳамда мавжуд захиралардан келиб чиқиб, қўшимча саноат лойиҳалари амалга оширилиши мумкин.

Навоний вилоятининг Ҳозғон шаҳрида йўл-транспорт ва муҳандислик коммуникация тузилмаларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Лойиҳа қиймати, (млн.сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
					2019 йил	2020 йил	2021 йил		
Умумий қурилиш				61 615	4 771,2	27 606,3	29 237,5		
	Республика бюджети маблағлари	х	х	7 500	0	2 000	5 500	х	х
	Маҳаллий бюджет ва маҳаллий бюджет қўшимча манбалари	х	х	8 296	2 550	3 046	2 700	х	х
	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари	х	х	11 200	2 104,7	5 060,3	4 035	х	х
	"Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари	х	х	119	116,5	0	2,5	х	х
	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	х	х	27 000	0	13 000	14 000	х	х
	Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари	х	х	7 500,0	0	4 500	3 000	х	х
I. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш									
1. Умумий автомобиль йўллари таъмирланиши		км	95,2	18 946	2 550	7 196	9 200		
1.1. Давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари		км	30	1 000	0	500	500	х	х
1	Давлат аҳамиятидаги 4р232 "Деҳибаланд к.-Ҳозғон кони-Варажон к. ва 4к388 "4р232 автойўлидан шохобчалар" автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш	км	30	1 000	0	500	500	Республика бюджети	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги
1.2. Ички йўллари жорий таъмирлаш		км	37,7	13 446	2 550	3 696	7 200	х	х
2	Ҳозғон шаҳридаги Шайхон маҳалласидан "Шоҳимардон" зиёратгоҳига олиб борувчи 1 та 12 метрлик кўприкни қайта қуриш ва д-1500 мм бўлган металл қувурни ўрнатил	пм	15	1 250	1 250	0	0	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги, Навоний вилояти ҳокимлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Лойиҳа қиймати, (млн.сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
					2019 йил	2020 йил	2021 йил		
3	Ҳозгон шаҳри "Шайхон" МФЙнинг Иби Сино гузаридан Гулистон маҳалласи Товоксоз гузари ва 6-мактаб филиалига олиб борувчи 1 та 15,5 метрлик кўприкни қайта қуриш	пм	15,5	1 300	1 300	0	0	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
4	Ҳозгон шаҳри "Мармаробод" маҳалласи Осиё гузари аҳоли пунктлари оралигидаги сел сойи устидан ўтувчи 1 та янги кўприк қуриш	пм	18	1 500	0	1 500	0	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил ривожлантириш давлат дастури доирасида	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
5	Ҳозгон шаҳри "Шайхон" МФЙ ички автомобиль йўлларининг 1,5 км қисмини асфальтлаш ва 11 км қисмини тупроқ йўлдан шағал йўлга ўтказиш	км	12,5	1 700	0	800	900	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
6	Ҳозгон шаҳри "Тулистон" МФЙ ички автомобиль йўлларининг 0,5 км қисмини асфальтлаш ва 2,8 км қисмини тупроқ йўлдан шағал йўлга ўтказиш	км	3,3	536	0	536	0	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
7	Ҳозгон шаҳри "Тумар" МФЙ ички автомобиль йўлларининг 1,7 км қисмини асфальтлаш ва 3,8 км қисмини тупроқ йўлдан шағал йўлга ўтказиш (А.Темур кўчасининг 2,39 км тупроқ йўлини шағалга ўтказиш)	км	5,5	1 360	0	660	700	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
8	Ҳозгон шаҳри "Мармаробод" МФЙ ички автомобиль йўлларининг 2 км қисмини асфальтлаш ва 6,4 км қисмини тупроқ йўлдан шағал йўлга ўтказиш	км	8,4	800	0	200	600	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
9	Янги Ҳозгон шаҳри марказига борувчи ички йўллари янгидан қуриш	км	8	5 000	0	0	5 000	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
1.3. Янги қурилиш		х	27,5	4 500	0	3 000	1 500	х	х
10	Ишлаб чиқариш объектларига бўлган масофага автомобиль йўллари қуриш	км	2,5	1 500	0	1 500	0	Ишлаб чиқарувчи ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, тадбиркор ва ташаббускорлар
11	Қонларгача бўлган масофага автомобиль йўллари қуриш (тупроқ йўллари шағал қопламали йўлга айлантириш)	км	25	3 000	0	1 500	1 500	Ишлаб чиқарувчи ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Навоий вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, тадбиркор ва ташаббускорлар

Т/р	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Лойиҳа қиймати, (млн.сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
					2019 йил	2020 йил	2021 йил		
II. Ободонлаштириш ва санитар тозалаш									
2. Ободонлаштириш ва санитар тозалаш мақсадида олинadиган техникалар				2 700	0	850	500	x	x
2.1. Янги қурилиш				0	0	0	0	x	x
1	Ҳозгон шаҳрида Ободонлаштириш бошқармаси биноси қуриш	дона	1	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	0	0	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги
2.2. Реконструкция қилиш				1 350	0	850	500	x	x
2	"Шоҳимардон" зиёратгоҳидан "Мармаробод" ДУКгача бўлган йўлга замонавий электр тежайдиган тунги ёриткичлар ўрнатиш	км	3,2	Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан	Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан	0	0	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги
3	"Мармар Стоун" МЧДдан тош қазиб олиш қонигача бўлган йўлга замонавий электр тежайдиган тунги ёриткичлар ўрнатиш	км	4	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	0	0	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги
4	Ҳозгон шаҳрида мавжуд эски тунги ёриткичларни замонавий электр тежайдиган тунги ёриткичларга алмаштириш ва жиҳозлаш	дона		Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	0	0	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги
5	Ҳозгон шаҳрида қурилган намунавий уй-жойларни тунги ёриткичлар билан таъминлаш	дона		Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	0	0	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги
6	Ҳозгон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 1 дона юк ортувчи махсус техника, 1 дона Дамас автомашинаси, 1 дона MAN сув ташиш автомашинаси, 2 дона мото юк ташагич, 5 дона ерга ишлов берадига универсал техникаларини ва бошқа керакли жиҳозларни харид қилиш	дона	10	1 000	0	500	500	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги
7	Ҳозгон шаҳридаги "Ҳозгон" қабристонини реконструкция қилиш	км	1	350	0	350	0	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Навоний вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Лойиҳа қиймати, (млн.сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
					2019 йил	2020 йил	2021 йил		
III. Электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш									
3. Электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш				11 200	2 104,7	5 060,3	4 035		
3.1. Янги қурилиш		х	х	7 846,3	700	3 546,3	3 600	х	х
3.1.1. Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари		х	х	7 846,3	700	3 546,3	3 600		
1	Ҳозгон шаҳрига янгидан 36 км электр тармоғи тортиш ва 15 дона ТП ўрнатил	км/ дона	36/ 15	7 846,3	700	3 546,3	3 600	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблаглари ҳисобидан	"Худудий электр тармоқлари" АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят худудий электр тармоқлари корхонаси
3.1.2. Қонлар ва ишлаб чиқариш объектлари		х	х						
2	Қонлар ва ишлаб чиқариш объектларига бўлган масофага электр узатиш тармоқларини тортиш ҳамда электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш *	км/ дона	Лойиҳа- смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа- смета ҳужжатлари асосида	Лойиҳа- смета ҳужжатлари асосида	Ташаббускорлар маблаглари ҳисобидан*	"Худудий электр тармоқлари" АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят худудий электр тармоқлари корхонаси
3.2. Модернизация ва реконструкция		х	х	3 204	1 354	1 460	390	х	х
3	Ҳозгон шаҳридаги 11,2 км электр тармоғи ва 7 дона ТПни модернизация ва реконструкция қилиш	км/ дона	11,2/ 7	1 204	354	460	390	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблаглари ҳисобидан	"Худудий электр тармоқлари" АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят худудий электр тармоқлари корхонаси
4	Ҳозгон шаҳри худудидаги 35/10 кВли "Ҳозгон" подстанциядаги 2500 кВА ва 4000 кВА куч трансформаторларини қуввати 6300 кВА бўлган трансформаторларга алмаштириш	км/ дона	2	2 000	1 000	1 000	0	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблаглари ҳисобидан	"Худудий электр тармоқлари" АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят худудий электр тармоқлари корхонаси
3.3 Мукамал таъмирлаш		х	х	149,7	50,7	54	45		
5	Ҳозгон шаҳридаги 25 км электр тармоғи ва 10 дона ТПни мукамал таъмирлаш	км/ дона	25/ 10	149,7	50,7	54	45	"Худудий электр тармоқлари" АЖ маблаглари ҳисобидан	"Худудий электр тармоқлари" АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят худудий электр тармоқлари корхонаси

Т/р	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Лойиҳа қиймати, (млн.сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
					2019 йил	2020 йил	2021 йил		
IV. Сув таъминотини тубдан яхшилаш									
4. Сув таъминотини тубдан яхшилаш		дона/км		30 000	0	14 500	15 500	x	x
4.1. Реконструкция қилиш				12 000	0	5 500	6 500	x	x
1	Сувоқова Ҳозгон шаҳар филиалининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида узок ҳудудларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 1 дона ISUZU (сув ташагич), 1 дона экскаватор, 1 дона навбатчи Дамас автомашинаси ажратиш, САК Электро пайвандлаш агрегати, газ пайвандлаш аппарати ва маъмурий бино қуриш	дона	3	3 000	0	1 500	1 500	Лизинг асосида	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят "Сувоқова" ДУК
2	Ҳозгон шаҳридаги мавжуд ОТБ сув ишлатини таъмирлаш ва "Мармаробод" МФЙ Мармаробод массивида мавжуд сув қувурларини реконструкция қилиш ва сув қувурини тортиш	км	30	5 000	0	2 500	2 500	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят "Сувоқова" ДУК
3	Ҳозгон шаҳри "Мармаробод" МФЙдаги Хуррият кўчасидаги 13 та қўп қаватли уй-жойларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида мавжуд сув қувурларини реконструкция қилиш ва сув қувури тортиш	км	2	500	0	500	0	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят "Сувоқова" ДУК
4	Ҳозгон шаҳри "Мармаробод" массивидаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун мавжуд 100 м3 лик резервуарни таъмирлаш, 2 дона марказдан кўчма насос ўрнатиш. Ушбу насосларга 2 дона насосхоналар қуриш, 5,5 км сув қувурларини қуриш ва 20 дона сув жиҳози ўрнатиш	дона/км	25/ 5,5	3 500	0	1 000	2 500	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят "Сувоқова" ДУК
4.2. Янги қурилиш				18 000	0	9 000	9 000	x	x
4.2.1. Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари				18 000	0	9 000	9 000	x	x
5	Ҳозгон шаҳрига оқова сув тармоқларини қуриш	км	21	18 000	0	9 000	9 000	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят "Сувоқова" ДУК

Т/р	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Лойиҳа қиймати, (млн.сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
					2019 йил	2020 йил	2021 йил		
4.2.2 Қонлар ва ишлаб чиқариш объектлари									
